

**Акциядорлик жамияти шаклидаги
«UZSALAMAN» Ўзбекистон – Германия
қўшма корхонаси
Акциядорларининг 2016 йил 21 октябрдаги
умумий йиғилиши қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
М.Ў.**

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «UZSALAMAN» Ўзбекистон – Германия қўшма
корхонаси уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

Амалдаги тахрир	Янги тахрир
4.4. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.	4.4. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
Жамият уставининг 4.5. ва 4.6. бандлари чиқариб ташлансин.	Жамият уставининг 4.7. – 4.14. бандлари мос равишда 4.5. – 4.12. деб ҳисоблансин.
6.1. Жамиятнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга: ... ➤ ўзига таълуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш; ...	6.1. Жамиятнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга: ... ➤ ўзига таълуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш; ...
	Жамият уставининг 6.1. банди қўйидаги сўнги хатбоши билан тўлдирилсин: ➤ акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.
6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.	6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
6.9. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари: ... ➤ ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни хабардор қилиш.	6.9. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари: ... ➤ ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор

	қилиш.
	Жамият уставининг 6.9. банди қуйидаги сўнги хатбоши билан тўлдирилсин: ➤ Миноритар акциядорлар асосиз равишда хужжатлар талаб қилиш, конфиденциал маълумотлар ва жамиятнинг тижорат сирларидан фойдаланиш орқали жамият бошқаруви органлари фаолиятига ҳалал бермасликлари керак.
10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... к) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш; ...	10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: ... к) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш; ...
	Жамият уставининг 10.6. банди қуйидаги ф) кичик банди билан тўлдирилсин: ф) ижроия органининг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш;
11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; ... з) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш; ...	11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; ... з) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш; ...
	Жамият уставининг 11.2. банди ю) ва я) кичик бандлари билан тўлдирилсин: ю) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада

	<p>ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб жамиятнинг веб-сайтида ошкор этилишини таъминлаш);</p> <p>я) жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;</p>
<p>11.14. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки кўйидагилар талабига кўра чақирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Кузатув кенгаш аъзоларининг; ➤ тафтишчининг; ➤ Жамият Бош директорининг; ➤ ички аудит хизмати бошлиғининг; ➤ қонунчиликда ва мазкур уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда. 	<p>11.14. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки кўйидагилар талабига кўра чақирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Кузатув кенгаш аъзоларининг; ➤ тафтишчининг; ➤ Жамият Бош директорининг; ➤ ички аудит хизмати бошлиғининг; ➤ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор). ➤ қонунчиликда ва мазкур уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда;
<p>11.27. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.</p>	<p>11.27. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.</p>
	<p>Жамият уставининг 12.8. банди кўйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ акциядорлар умумий йиғилишида жамият акциядори (акциядорлари)нинг ишончли вакили сифатида иштирок этаётган Бош директор йиғилиш кун тартибидаги Бош директорни тайинлаш (сайлаш) масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.
	<p>Уставга янги 12¹ банд киритилсин:</p> <p>12¹. Жамиятнинг миноритар акциядорлари кўмитаси</p> <p>12¹.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг кўмитаси ташкил этилиши мумкин.</p>

	<p>12¹.2. Миноритар акциядорлар кўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.</p> <p>12¹.3. Миноритар акциядорлар кўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.</p> <p>12¹.4. Миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none">– акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;– миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;– қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;– қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.
--	--

«UZSALAMAN» АЖ ҚК
Бош директори

Р.А. Абдуллаев